

Бешовлари ривоят қилишган.

اي تُلُقَفْ، نِيْفُخْلَا لِيْلَعِ حَسَمَمَلَسَوِ هِيْلَعُ هَلَلَا لِيْلَصِيْبِنَّا نَأْهَنْوَ
لِحَوْعِ بِيْرِيْنَرَمَ اَدْوَبَ تِيْسَنَنْ تَنْأَلَبَ : لَاقَ ؟ تِيْسَنَنْ هَلَلَا لِيْلَوُسَرِ
دُوَادُوْبْ اُوْرَ.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам махсига масҳ тортдилар. Мен у кишига:

«Эй Аллоҳнинг Расули, унутдингизми?» дедим.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Йўқ! Сен унутдинг. Роббим азза ва жалла мени шунга амр қилган», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

هَلَلَا لِيْلَصِيْبِنَّا لِيْلَوُسَرِيْلَا لِيْلَعِ اَشَاجِنَلَانَا : هَنْوَ هَلَلَا لِيْلَضَرَّةِ دِيْرُبْ نَ
حَسَمَمَوِ اَصْوَتٌ مُتْ اَمُهَسَبَلَفَ، نِيْحِذَاسِ نِيْدَوُسْ اِنِّيْفُخْ مَلَسَوِ هِيْلَعِ
يِيْذِمْرَتَلَاوِ دَمْحَاوِ دُوَادُوْبْ اُوْرَ. اَمُهِيْلَعِ

Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Нажоший Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бир жуфт қора содда махси ҳадя қилди. Бас, у зот уларни кийдилар, таҳорат қилдилар ва масҳ тортдилар».

Абу Довуд, Аҳмад ва Термизий ривоят қилишган.

هِيْلَعُ هَلَلَا لِيْلَصِيْبِنَّا لِيْلَعِ اَقْهَنْوَ هَلَلَا لِيْلَضَرَّةِ رِيْغُمْلَا نَ
اَمُهْتَلَحْدَا يِيْنِ اَمُهَدَدَ : لَاقَ، هِيْفُخْ عَزْنَالُ تِيْوَهْ اَفِ رَفَسِيْفَ مَلَسَوِ
ةَثَالَا هُوْرَ. اَمُهِيْلَعِ حَسَمَفَ، نِيْتَرَهَاطَ

Муғийра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир сафарда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга эдим. У зотнинг маҳсиларини ечмоқчи бўлиб, эгилдим. Шунда у зот: «Қўявер, чунки мен уни таҳоратли оёққа кийганман», дедилар ва унга масҳ тортдилар».

Учовлари ривоят қилишган.

Махсига масҳ тортиш таҳорат пайтидаги икки оёқни ювишнинг ўрнига ўтади.

«Масҳ» сўзи луғатда қўлни бир нарсанинг устидан силаб ўтказишни англатади.

Шаръий истилоҳда эса сув билан ҳўлланган қўлни махсус оёқ кийимининг махсус жойидан махсус замонда силаб ўтказишга «махсига масҳ тортиш» дейилади.

Энди ушбу масалага оид матнни шарҳ қилишга ўтайлик.

Махсига масҳ тортиш кичик бетаҳорат кишига жоиздир.

Масҳ тортиш таҳорати кетган одам янги таҳорат қилганда жоиз бўлган бир ишдир.

Ғусл вожиб бўлган одамга эмас.

Бу ҳолдаги одам махсини ечиб, ғусл қилади.

Унинг фарзи болдирдан пастга қўлнинг уч бармоғи миқдорида чизиқ тортишдир.

Яъни махси ёки унинг ўрнига ўтадиган пойабзалнинг оёқ устини беркитиб турадиган қисмига уч бармоқ миқдорида масҳ тортса, фарзи адо этилган, масҳ ўрнига қўйилган бўлади.

Махсига масҳ тортишда икки қўлни ҳўллагач, бармоқларни ёйиб, ўнг қўлни ўнг махсининг, чап қўлни чап махсининг учига қўйилади ва қўлни махси устидан тортиб бориб, тўпиқлар бор жойгача етказилади.

Уни икки чориққа ва тўпиқни тўсувчи ҳамда сафар қилишга ярайдиган нарсага тортиш жоиздир.

Чориқ совуқда махсининг устидан кийиладиган нарса бўлган. Абу Довуд, Ибн Можа, Ибн Хузайма ва Ҳоким Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳудан келтирган ривоятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг чориққа масҳ тортганлари айтилган.

Махсини кийгандан кейин таҳорати кетмай туриб, устидан чориқни кийган бўлса, унга масҳ тортса бўлади. Аммо таҳорати кетиб, қайта таҳорат қилаётганда махсига масҳ тортиб олиб, кейин чориқни кийган бўлса, унга масҳ тортиб бўлмайди.

Махси ва чорикдан бошқа, уларнинг вазифасини адо этадиган пойабзалларга ҳам масх тортса бўлади. Бунинг учун мазкур пойабзаллар икки оёқнинг тўпиқдан юқорисини тўсадиган, боғламаса ҳам, ўзи тик турадиган ва у билан юриб сафар қилса бўладиган даражада бўлиши лозим. Мазкур сафар энг ози бир фарсах, яъни 5544 метр масофага бўлиши керак. Агар мазкур масофани босиб ўтгунча йиртилиб кетадиган пойабзал бўлса, унга масх тортиш жоиз эмас.

(Давоми бор)

«Кифоя» китобининг биринчи жузидан